

Мўътабар зотларга иззат ва эҳтиром кўрсатилди

“Оналарга эҳтиром” фестивали доирасида Ўзбекистон туманининг барча маҳалла ва масканларда, меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, мўътабар зотларга иззат-иқром кўрсатилмоқда.

Туманнинг “Шодлик” маҳалласида ҳам ана шундай байрамона тадбир ташкилланди. Унда ҳудудда истиқомат қилаётган онахонларнинг эзгу амаллардаги фаолликлари эътироф этилиб, уларга чинакам эҳтиром кўрсатилди.

Тўкин дастурхон атрофида жам бўлган мунис ва мўътабар онажонлар бундай эзгу ташаббус ва эътибордан мамнунликларини билдириб, бугунгидек тинч ва осойишта кунлар бардавом бўлишини тилаб дуога қўл очдилар.





